

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-июнида Тошкент шаҳри бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 31 935,3 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилга нисбатан 7,2 % га ўсди.

2019 йил январь-июнь ойларида аҳоли жон бошига ЯҲМ 12 651,6 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 5,1 % га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Тошкент шаҳрининг қўшган ҳиссаси 14,4 % ни ташкил этди.

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш

	Млрд.сўм		2018 йил январь-июнга нисбатан % да
	2018 йил январь-июнь	2019 йил январь-июнь	
<b>I. ЯҲМ</b>	<b>24 864,3</b>	<b>31 935,3</b>	<b>107,2</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	22 384,0	27 674,1	107,2
Маҳсулотларга соф солиқлар	2 480,3	4 261,2	107,4
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>22 384,0</b>	<b>27 674,1</b>	<b>107,2</b>
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	9 816,2	12 557,7	109,3
саноат	7 509,0	9 243,8	103,1
қурилиш	2 307,2	3 313,9	129,7
Хизматлар	12 567,8	15 116,4	105,6
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	4 075,4	4 743,8	103,6
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	3 436,3	3 769,4	107,0
бошқа хизмат тармоқлари	5 056,2	6 603,2	106,2

Ҳудуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат тармоғининг ўсиш суръати – 103,1 % (ЯҲМ таркибидаги улуши- 33,4 %), қурилиш – 129,7 % (12,0 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 103,6 % (17,1 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 107,0 % (13,6 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 106,2 % (23,9 %) ни ташкил этди.

### 2019 йил январь-июнда ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




*иқтисодий фаолият турлари*

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 86,7 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 13,3 % ини ташкил этди.


2019 йил январь-июнь ойларида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибида Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоқ улуши 45,4 % (2018 йил январь-июнида 43,8 %)ни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,6% га ўсиш кузатилган. ЯҲМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши эса 54,6 % (2018 йил январь-июнида 56,2 %)ни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,6 % га камайган.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби  
(жамига нисбатан фоизда):**

**2018 йил январь-июнь**



**2019 йил январь-июнь**



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар



Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 17,1 % ни (2018 йил январь-июнида 18,2 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 13,6 % ни (15,4 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 23,9 % ни (22,6 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби  
(жамига нисбатан фоизда):**

**2018 йил  
январь-июнь**



**2019 йил  
январь-июнь**



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси  
Статистика фаолиятини ташкил этиш  
ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлари бўлими  
Нашр учун масъул: А.Ибрагимов  
Тел: (0371) 230-88-08